2015 йил 26 ноябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 234 (13.047)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

***Пойтахтимизда "Эртанги кун бизники, марра бизники!" шиори остида ўтказилган Ёшлар ҳафталиги якунланди***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, уларни мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Истеъдод" жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган Ёшлар ҳафталиги бу борада йирик лойиҳалардан бири бўлди.

Ҳафталик доирасида санъат ва маданият намояндалари, илм-фан арбоблари, кино ва мода йўналишида ижод қилаётган хорижий экспертлар иштирок этган етти йўналишдаги ўндан ортиқ тадбир эртамиз эгаларига бир умр эсда қоларли таассуротларни туҳфа этди.

Турли кўргазмалар, фестиваллар, интерфаол маҳорат дарсларида ёшлар кино, мода ва дизайн, театр, туризм, экология каби соҳаларни янада ривожлантиришга доир билим ва салоҳиятини намоён қилди. "Қувноқлар ва зукколар", "Тафаккур синовлари" кўрик-танловлари иштирокчиларни қизғин баҳс-мунозараларга чорлади. "XXI аср – интеллектуал авлод асри" шиори остидаги илмий-амалий анжуман ёш авлоднинг маърифий-маданий савиясини ошириш, ўз соҳаси бўйича тажриба тўплаш имконини яратди.

– Ҳафта давомида ўтказилган тадбирлар тенгдошларимиз билан илмий-ижодий ҳамкорлик ўрнатиш, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш имконини берди, – дейди "Янги нигоҳ" видеороликлар танлови ғолиби, навоийлик Хуршид Сафаров. – Ҳафталик бир-биридан ажойиб, ёрқин таассуротлари билан чинакам ёшлик ва нафосат байрамига айланди.

(Давоми 3-бетда)

## САНОАТЧИЛАРИМИЗ "ITMA — 2015" КЎРГАЗМАСИДА

***Италиянинг Милан шаҳрида дунёнинг энг йирик ва замонавий тўқимачилик ускуналари халқаро кўргазмаларидан бири — "ITMA — 2015" бўлиб ўтди. Тадбир Халқаро тўқимачилар федерацияси (ITMF) ҳамда Европа тўқимачилик машиналари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилари уюшмаси (CEMATEX) томонидан ташкил этилди.***

Тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган мазкур кўргазмага 1951 йилда асос солинган. У 17 бўлимдан иборат.

Ушбу халқаро тадбирга доимий ташриф буюрувчи тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланадиган юқори малакали мутахассислар ҳамда менежерлар сони 150 мингдан ошади.

Жорий йили "ITMA — 2015" халқаро кўргазмасида Ўзбекистондан тўқимачилик корхоналарининг 60 нафардан зиёд раҳбар ва мутахассисларидан иборат йирик делегация қатнашди. Тадбир доирасида "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти билан Италия Тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси (ACIMIT) ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялари ва уларнинг маҳсулотлари тақдимотлари ташкил қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш ва юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ушбу соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Бу борада доимий изланиш олиб бориш ва дунё бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, дизайн масаласига алоҳида эътибор қаратиш, энг муҳими, ўз брендимизни яратишга устувор аҳамият қаратилаяпти.

Италия ишбилармон доира вакиллари Ўзбекистонда мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлардан яхши хабардор. Жорий йилнинг октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси якунларига бағишланган мақолалар Италиядаги қатор нуфузли нашрларда чоп этилди. Уларда мамлакатимизда замонавий технологияларни жалб қилиш орқали пахтани қайта ишловчи корхоналарни модернизациялаш жараёни изчиллик билан давом эттирилаётгани, юқори технологияларга асосланган бир қатор янги корхоналар ишга туширилаётгани алоҳида таъкидланган.

**"Жаҳон" АА.**
Милан

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Навоийда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан "Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий асослари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

**• Жиззахда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Қувноқлар ва зукколар" танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.**

**• Фарғонада Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 87 қиз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишларида билим ва истеъдодини намойиш этди.**

**• Тошкент вилоятининг Чиноз туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб "Қонунга ҳурмат – ҳуқуқий демократик давлат фаолиятининг асосий талаби" мавзусида семинар ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**• "Apple" муҳандислари алоҳида бармоқ сканеридан воз кечиш имконини берувчи технологияни ишлаб чиқди. АҚШ патентлар ва савдо белгилари бюроси тегишли аризани 19 ноябрь куни эълон қилди. Сентябрь ойида Business Korea нашри "Apple"нинг органик ёруғлик диодли дисплейлар ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи компанияларидан бири билан бутловчи қисмлар етказиб бериш ҳақида музокаралар олиб бораётганини маълум қилди.**

**• Бразилиялик миллиардер, Лотин Америкасининг йирик хусусий инвестициявий банки BTG Pactualнинг раҳбари Андре Эстевес 25 ноябрь куни Petrobras SA давлат нефть корпорацияси атрофида юзага келган коррупциявий можаро юзасидан гумонланиб ҳибсга олинди. Миллиардернинг ҳибсга олиниши йирик қурилиш ва нефть сервиси компаниялари шартномани қўлга киритиш учун нефть корпорацияси раҳбариятига пора берганлиги тахмин қилинаётган коррупциявий тизим тергови доирасида энг шов-шувли қўлга олиш бўлди.**

**• Дубай фуқаролик ҳимояси хизмати ўт ўчирувчилар учун учувчи реактив қурилма сотиб олди. Бу осмонўпар биноларнинг юқори қаватларига тез ва хавфсиз чиқиш имконини беради.**




***Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини мужассамлаштирган ҳуқуқий қомусдир. Асосий қонунимиз хорижда ҳам юксак қадрланади. ЎзА мухбирлари хорижликларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.***

Ўзбекистон Конституцияси — хорижликлар нигоҳида

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИДИР

**Жэ Ву ЯНГ, "Inha Gtep" компанияси менежери (Корея Республикаси):**

– Ўзбекистон билан гўзаллик саноати соҳасида яқин ҳамкорлик қиламиз. Мамлакатингизда иқтисодиётнинг барча соҳалари изчил ривожланаётганини, тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қулай шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш борасида амалга оширилаётган ишларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Бош қомусида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, молия ва кредит тизими алоҳида бобларда баён этилган. Шу асосда ташкил этилган мулкчилик шакллари, қулай ишбилармонлик муҳити самарасида мамлакатингиз иқтисодиёти тобора ривожланиб бормоқда. Сўнгги ўн бир йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши муттасил 8 фоиздан юқори бўлаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

**Хоу ХИУПЕНГ, "Nano Profi" корхонаси директорининг ўринбосари (Хитой):**

– Хизмат тақозоси билан бир неча йилдан буён Ўзбекистонда истиқомат қиламан. Бу замин менга ўз она юртимдек азиз бўлиб қолган. "Nano Profi" турли ванналар, жакузи, душ хоналари ва гидромассаж ҳовузлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўзбекистонда тадбиркорлар фаолияти, бизнес режалари кенг қўллаб-қувватланаётганини, бу ерда хорижий ишбилармонлар учун катта имконият ва имтиёзлар мавжудлиги, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик муносабатлари изчил равнақ топаётгани биз, ишбилармонларнинг ўзаро алоқаларимиз тобора ривожланишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистондек фаровон мамлакатда бизнес юритаётганимиздан ғоят мамнунмиз.

Хитойда қонунларга катта эътибор ва ҳурмат билан қаралади. Ўзбекистонда ҳам бу жиҳатга устувор аҳамият берилиши диққатга сазовор. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Конституцияси мамлакат тараққиётининг асосини ташкил этмоқда.

**Дмитрий МАКАРАЙДИС, Фуқаролик жамияти билан муносабатларни ривожлантириш бўйича эксперт, Греция парламенти вакили:**

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим", деб белгилаб қўйилган. Бу борада "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун қабул қилингани ҳам диққатга сазовор. Бу омиллар Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистонда давлат органлари ахборот хизматлари фаолияти самарали ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу каби саъй-ҳаракатлар мамлакатингизни янада демократлаштириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш, суд ҳокимияти, сўз ва ахборот эркинлиги мустақиллигини мустаҳкамлаш, энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Кордула Марианне ШМИГУН, "Spaarmann" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили (Германия):**

– Компаниямиз логистика, божхона соҳасида расмийлаштириш ва халқаро юк ташиш йўналишларида хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатингиз Конституцияси ва бошқа қонунлари билан яхши танишман. Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг фаол ва самарали иш юритиши учун қонун билан кафолатланган преференциялар, кенг имконият ва имтиёзлар яратилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу омиллар хорижда кенг эътироф этилади.

Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга молик. Бу омилларнинг барчаси мамлакатингизда иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан жойларда байрамона тадбирлар, давра суҳбатлари ва очиқ мулоқотлар бўлиб ўтмоқда.***

Пойтахтимиздаги "Гулшан" маданият ва аҳоли дам олиш марказида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат, Маданият ва спорт ишлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси туман бўлимлари ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида "Конституция — равнақимиз қомусидир" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда маҳалла фаоллари, фронт орти фахрийлари, уруш қатнашчилари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Конституция жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий йўналишлардаги асосий қоидалар ва тамойилларнинг ифодаси эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самараси, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ҳам фикр юритилди.

Конституция фуқаролар эркинликларини мустаҳкамловчи, кафолатловчи ижтимоий тузум асосларини, ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органларини ташкил этиш асосларини, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатларини белгилайдиган, олий юридик кучга эга бўлган асосий қонун эканлиги ҳам қайд этилди.

— Ўтган давр мобайнида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда асосий Қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда, — дейди Мирзо Улуғбек туман Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистон халқ ҳофизи Оролмирзо Сафаров, "Ғунча" болалар рақс ансамбли, "Шодиёна" вокал чолғу дастаси ва 3-сон маданият ва аҳоли дам олиш маркази хонандалари ижросидаги байрамона куй, қўшиқ ва дилбар рақслар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**




***Шу кунларда жойларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирларнинг бири Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида бўлиб ўтди. У "Конституция – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусига бағишланди.***

# ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд, адвокатлар корпуси ходимлари академик лицей ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ҳар қандай давлатнинг обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Бош қомусимиз қабул қилингандан бери ўтган давр мобайнида дунё ҳамжамияти тан олган катта ютуқ ва марралар Конституциямиз асосига қурилган, чуқур ва пухта ўйланган сиёсатнинг самараси десак, муболаға бўлмайди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Асосий қонунимиз бугунги кунда барчамиз учун мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий қадриятга айланди. Унинг беназир нуфузини, ҳаётбахш кучини, жамиятни барқарорлаштирувчи таъсирини ҳаммамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Конституция халқни улуғвор вазифаларни ҳал этишга сафарбар этувчи куч, у тинч ва осойишта ҳаётнинг ҳуқуқий замини сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон Конституцияси олий юридик кучга эга қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий-иқтисодий негизини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият тараққиётининг устувор соҳаларини белгилаб берди.

— Конституциянинг ҳар бир бандини жамиятда умумий барқарорликни таъминлаш ва мамлакат тараққиётини кафолатлаш нуқтаи назаридан талқин этиш мумкин, — дейди Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси С.Зокирова. — Мустақилликнинг илк давридан то ҳозирги кунгача юртимизда тинчлик, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сураётгани кўп жиҳатдан Асосий қонунимизнинг ҳаётимизга изчил тадбиқ этилаётгани билан бевосита боғлиқдир. Бош қомусимиз асосида жамиятимиз учун муҳим қонун ва кодекслар, қарорлар қабул қилинмоқда. Бугун биз Ўзбекистон Конституцияси инсон учун, унинг манфаатлари, жамият тараққиёти учун хизмат қилмоқда, дейишга тўла ҳақлимиз.

Учрашувда сўз олганлар Асосий қонунимизнинг ҳаётийлигига оид мисолларни келтирдилар, академик лицейнинг ҳуқуқ билимдонлари чиқишида ҳам юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёш авлоднинг таълим-тарбияси, ҳукуматимиз томонидан уларнинг салоҳиятини юзага чиқаришга йўналтирилган ишлар маърифий тадбир бадиий қисмининг бош мавзуси бўлди.

— Конституциямиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни, ҳар бир кишига дахлдор ҳуқуқ ва бурчларни ўзида мужассам этган, — дейди академик лицейнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси М.Йўлдошева. — Хусусан унда ёшларнинг таълим тарбияси, ижтимоий муҳофазаси, ўз интеллектуал салоҳиятини намоён этиши, касб-ҳунар эгаллаши, бир сўз билан айтганда ҳаётда ўз ўрнини топишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Замонавий, барча қулайликларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари уларнинг ихтиёрида.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциянинг ҳар бир бандида асрлар давомида шаклланган миллий тафаккур, муқаддас қадриятларимиз ўз аксини топган, унинг сатрларига миллатимизга хос бўлган одамийлик, бағрикенглик, олижаноблик, саховатпешалик каби улуғ фазилатлар тенглик, биродарлик, миллатлараро дўстлик сингари умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда сингдирилган.

Йиғилиш қатнашчилари эътироф этганларидек, йиллар ўтган сари биз ушбу ҳужжатнинг давлатимиз ҳамда жамиятимиз ҳаётида тутган бебаҳо ўрни ва аҳамияти, ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдорлигини янада теранроқ ҳис қиламиз. Бош қомусимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаши, улардан самарали фойдаланишга эришиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотларининг устувор вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбирда жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ ходимларга Адлия бошқармасиниг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**З. ШАРИФЖОНОВ**



***Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида "Ўзагроэкспо – 2015" ва "Ўзпродэкспо – 2015" кўргазмалари бўлиб ўтмоқда. Унда халқаро қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ҳамда озуқа маҳсулотлари намойиш этилмоқда.***

**Ислом Исмоилов олган сурат**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида "Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликларидан вакиллар, соҳавий хизмат ходимлари, вазирлик таълим муассасалари ҳамда республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи тўла таъминланмоқда. Бу Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунида ўз аксини топган.

Мазкур қонун ижросини таъминлаш доирасида ўтказилган тадбирда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини тўлиқ таъминлайдиган миллий тизим босқичма-босқич шаклланиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бугун ушбу тизим ўзининг маънавий, назарий, институционал ва ҳуқуқий асосларига эга бўлиб, уларни такомиллаштириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунлар билан кафолатлангани, хусусан давлат органларига мурожаат этиш тартибининг такомиллаштирилаётгани жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилаётир.

Илмий-амалий конференциядан кўзланган асосий мақсад соҳадаги муаммоларни аниқлаш, муҳокама қилиш ва мурожаатлар борасидаги қонун ҳужжатларининг самарали ижросини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш, шу билан бирга, миллий ҳамда жаҳон тажрибасини жорий этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг асосий йўналишлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонунийликни таъминлаш масалалари юзасидан маърузалар қилиниб, атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирда шунингдек, ички ишлар органларида фуқаролар мурожаатларини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда давлат хизматлари кўрсатилишини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Абдували СОДИҚОВ**

# ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ

***Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларнинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги, янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Маълумки, шу кунга қадар божхона қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонунига замон талабларидан келиб чиқиб бир неча марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди.

Йиғилишда янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини ташкил этиш, ташқи савдо операциялари салмоғини рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига максимал даражада қулайликлар яратишдан иборат эканлиги таъкидланди.

Янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасининг амалга киритилиши бизнесни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратади.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш, товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ички бозорни сифатсиз ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Янги таҳрирдаги Божхона кодексининг қабул қилиниши амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Божхона кодекси, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуни ўз кучини йўқотган деб топишни ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Мазкур Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси лойиҳаси ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини беради.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар, ташкилотлар, чет эл фуқаролари билан ўзаро ҳамкорликда давлат органларининг фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш, давлат бошқарувининг самарадорлиги, ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш йўлида муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Электрон ҳукуматнинг янада ривожлантирилиши, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларга электрон давлат хизматлари тақдим этилишини яхшилаш, жамият ҳаётининг турли соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтирилиши қайд этилди.

Шунингдек, ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янада ривожланиши ва интерактив хизматлардан фойдалана олишнинг кенгайтирилиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида талаб катта бўлган 30 дан ортиқ электрон давлат хизматларини амалга ошириш имконини бериши таъкидланди.

Йиғилиш якунига кўра кўрилган масалалар бўйича доимий комиссиялар ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Юнусобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ*

# ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2015 йил 29 октябрдаги баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Юнусобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 372 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2103 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлик ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

2. Юнусобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2016 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2016 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин.

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

иловадаги шахслар учун иш ўринлари туман бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан йўлланма асосида ишга жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Д.Рашидов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Юнусобод туман ҳокимининг 2014 йил 20 октябрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 990-сон қарори 2015 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор 2016 йил 1 январдан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Халисов зиммасига юклансин.

**Юнусобод тумани ҳокими**
**Ш.Азимджанов**

*2015 йил 13 ноябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

***Бугунги давр ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёрликни талаб этади. Ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик турли нохуш ҳолат ва жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.***

# ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг бу борадаги фаоллигини, шижоатини янада ошириш мақсадида 2015 йил 26 октябрда "Қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаол иштирок этган фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Шу буйруқ асосида Низом ва "Ташаккурнома" намунаси тасдиқланди.

Дарҳақиқат, жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан бир қаторда фуқаролар, кенг жамоатчиликнинг иштирок этаётганлиги ибратга лойиқдир. Яқинда содир бўлган бир воқеа эса бунга мисол бўла олади.

Яшнобод тумани, Оҳанграбо кўчаси, 9-уйда истиқомат қилувчи Д.Закировнинг хонадонига кўп миқдорда спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда бўлган фуқаро Собир Каттаев бостириб кириб унга ташланади, ошхона пичоғи билан жароҳатлайди. Шундан сўнг яширинишга уринаётган маҳали уни шу уйда яшовчи Сардор Бердимуродов ва Ҳусниддин Исмаиловлар кўриб қоладилар. Тезлик билан унинг ортидан қувиб ушлайдилар ва яқин орадаги ички ишлар бўлимига топширишади. Фуқароларнинг сезгирлиги ва кўрсатган ёрдами билан жиноят иссиғида очилди.

Юқорида айтиб ўтилган буйруқ ижроси юзасидан Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишга фуқаролик бурчини виждонан бажарган, бир жиноятчини қўлга олинишида яқиндан ёрдам берган С.Бердимуродов ва Ҳ.Исмаиловлар ҳам таклиф этилиб, уларга Тошкент шаҳар прокурори М.Обидов "Ташаккурнома" ёрлиғини топширди. Тадбир иштирокчилари лоқайдлик ва бефарқлик каби иллатларнинг аянчли оқибатларини фош этувчи "Кўзгудаги биз" фильмини томоша қилдилар.

Шундан сўнг сўз олганлар бугунги глобаллашув даврида ёт ғояларга учмаслик, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш, қонун устуворлигини таъминлаш муҳим вазифа эканлигини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси "Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази" раиси Б.Калонов прокуратура органларига илк бор қадам босиб, аттестациядан ўтиб, дастлабки даража унвонларини қўлга киритган ходимларни қутлар экан, уларнинг олдида масъулиятли вазифалар турганлигини, касбга садоқатли бўлиб, уни адо этишларида муваффақиятлар тилади, ўз ҳаётий тажрибаларидан мисоллар келтирди.

Тадбир сўнгида прокуратура идораларига ишга қабул қилинган 6 нафар ходимга даража унвонлари тантанали равишда топширилди.

**Музаффар ХОДЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси**



Окил Ғуломов олган суратлар

# ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ёшлар ижод саройида ҳафталик якунига бағишлаб ўтказилган тадбир доирасида ёшларнинг Ватанимизга бўлган қайноқ меҳр-муҳаббати, эртанги кунга бўлган ишончи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш билан боғлиқ ғоялари тасвирланган фото, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари, миллий ҳунармандлик буюмлари, пазандалик намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди.

– Кўргазмада миниатюра асарлари тасвирланган қутичалар, шахмат тахталари, ўзбек халқ эртаклари, достонлари қаҳрамонлари акс этган иллюстрацияларни намойиш этдик, – дейди Жиззах шаҳридаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Сабрина Жонибекова. – Бу асарлар тўлиқ қўл меҳнати асосида ёғочга ишлангани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган "PROlogue" – ёш киноижодкорларнинг қисқа метражли фильмлари фестивали ғолиблари тақдирланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар ушбу фестиваль ёшлар ҳаётини мазмунан янада бойитиш, ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Кинематография соҳасидаги ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг профессионал малакасини ошириш мақсадида уюштирилган ушбу фестиваль давомида йигирма қисқа метражли фильм намойиш этилди.

Фестивалда ижодий ишлар турли номинациялар бўйича баҳоланди.

Ҳабибулло Лутфуллаев суратга олган ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи "Оқ булут" мелодрамаси "Энг яхши қисқа метражли бадиий фильм" деб топилди.

– Лойиҳа давомида кино санъати соҳасида фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлдик, – дейди ёш режиссёр Ҳ.Лутфуллаев. – Биз, ёшлар учун муҳими, ижодий лойиҳаларда фаол иштирок этиб, тажриба ва дунёқарашимизни кенгайтириб боришдир. Ушбу кинофестиваль биз учун ана шундай маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди.

Мухтасар айтганда, Ёшлар ҳафталиги турли йўналишлар, замонавий санъатдаги янги номларни кашф этиш, ёш истеъдод соҳибларини замонавий кино, мода, театр санъати йўналишлари ва тенденциялари билан таништириш, уларнинг шу соҳа мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатиши учун катта имконият яратди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Диққат! Диққат! Диққат!*
*Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

**I**. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси "Ўзгипроўрмонлойиҳа" ДУКга қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "М" мавзеси, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй манзилида жойлашган умумий майдони 834 кв.метрга тенг бўлган маъмурий бинонинг 5-қавати қисми.

Бошланғич нархи – 1 865 092 160 сўм.

Балансда сақловчи: Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси "Ўзгипроўрмонлойиҳа" ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Ўрмон тузиш ва лойиҳа қидирув ишлари.

**II**. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 8-мавзе, Қатортол кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган умумий майдони 2198 кв.метрга тенг бўлган маъмурий бино қисми.

Бошланғич нархи – 6 175 368 504 сўм.

Балансда сақловчи: Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Ўрмон барпо қилиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

**Аукцион савдоси 2015 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 13, 28 январь, 12, 29 февраль, 16 март, 1, 18 апрель, 3, 19 май, 7, 22 июнь, 7 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртмономани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

# ҲАР БИР БОЛАГА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

***Пойтахтимизда "Болалар фаровонлиги ва оилаларни қўллаб-қувватлашни таъминлашда идоралараро ўзаро ҳамкорлик" мавзуида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ болалар ва ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оналикни муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Тадбирда сўзга чиққан Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори В.Алимова ва бошқалар ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар асносида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг таълим олиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш учун шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги "Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳамда илмий-методик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Унинг асосий вазифалари болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига тегишли давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Меҳрибонлик уйлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда тарбияланаётган болаларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши ва касб-ҳунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Sen yolg`iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, мураккаб тақдирли болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятга интеграциялашувига ёрдамлашиш борасида изчил ишларни амалга оширмоқда.

— Ўзбекистонда 1997 йилда ота-она қаровисиз қолган болалар учун оила муҳитини яратиш ва мустаҳкамлаш мақсадида "SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари" ташкил этилган, — дейди Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ота-она қарамоғисиз қолган болалар муаммоларини ўрганиш бўлимининг бош мутахассиси Дилфуза Собирова. — "SOS – болалар маҳаллалари" – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган болалар ва уларнинг ота-оналарини қўллаб-қувватловчи ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш бўйича фаолият олиб борувчи нодавлат нотижорат хайрия ташкилоти ҳисобланиб, оила ва болаларни қўллаб-қувватлаш, фаровонлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий-тиббий, педагогик-психологик, юридик хизматлар кўрсатилади. Ҳозирда "SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмасининг Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида филиаллари очилган.

"SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва болалар билан ишловчи мутахассисларни қўллаб-қувватлашда ташаббус кўрсатиб келмоқда. 2014 йилдан бошлаб ЮНИСЕФ, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ҳамкорликда Фарғона вилоятида оила ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга мажмуавий ёрдам кўрсатишда давлат муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўз вақтида манзилли ёрдам кўрсатиш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жамоатчилик кенгаши йиғилиши якунида оила ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаровонлигини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмини яратиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 2015 йил 14 августдаги 2-2658-59/16-сонли ижро ҳужжатига, 2004 йил 26 ноябрдаги ЖСК-1-634/2004-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 4-уй манзилида сақланаётган: **1.** Бошланғич баҳоси – 17 038 296 сўм, 1998 йилда и/ч., дав/рақ: 30F4690 бўлган, "Тико" русумли; **2.** Бошланғич баҳоси – 14 908 509 сўм, 1998 йилда и/ч., дав/рақ: 30F3807 бўлган, "Тико" русумли; **3.** Бошланғич баҳоси – 15 869 250 сўм, 1997 йилда и/ч., дав/рақ: 10Y9656 бўлган, "Тико" русумли; **4.** Бошланғич баҳоси – 25 827 417 сўм, 1999 йилда и/ч., дав/рақ: 10L0110 бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 28 декабрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13.

**Гувоҳнома № 006795.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*"KHOREZM REALTORS GROUP" МЧЖ*

**2015 йил 30 декабрь куни Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 25-уйда соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф қилади.**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 16 май кунги 22-1306/468500-сонли ҳал қилув қарорига асосан ва "MAX PROFIT INVEST" МЧЖ кредиторларнинг 2015 йил 20 ноябрь кунги № 5-сонли йиғилиш баёнига ва жамият тугатиш бошқарувчисининг 2015 йил 24 ноябрдаги № ЛП – 80-сонли хатига асосан Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий майдони 3301,00 кв.метр, шундан қурилиш ости майдони Литер 0001 (Блок А) 2052 кв.м. бўлган Бизнес марказининг бино қисми, Литер 0002 (Блок Б) 291 кв.м. бўлган Бизнес марказининг бино қисми ва Литер 0003 (Блок В) 100 кв.м. бўлган Бизнес марказининг бино қисмлари мажмуа ҳолда аукцион савдосига қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 3 307 678 000 сўм.**

Ушбу бинога қизиқиш билдирган талабгорлар, тегишли тугатиш бошқарувчи ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдоси 2015 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади**.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза, ҳуқуқий ҳужжат нусхаси, бошланғич баҳосининг 15 фоизи, яъни **496 151 700** (тўрт юз тўқсон олти миллион бир юз эллик бир минг етти юз) сўмдан кам бўлмаган миқдорда закалат келишувга асосан "KHOREZM REALTORS GROUP" МЧЖ Тошкент шаҳар Юнусобод филиалининг Ўзбекистон-Германия АТ "Савдогар банк"и Амалиёт бўлимидаги қуйидаги махсус ҳисоб рақамига тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжатининг асл нусхаси тақдим қилиниши шарт. Ҳ/Р:20208000204949267004, МФО:00439, СТИР:302171214.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб закалат пули тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш очиқ аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 25-уй. Тел/факс: (0-362) 228-83-81, (+99890) 559-00-67.

*"Тошиссиқкуввати" ИЧБ УК қуйидаги лавозимларга ишга таклиф қилади:*

АКТ-программисти
техник-нозир
иссиқлик тармоқларига ва ускуналарига хизмат кўрсатувчи чилангар
электргазпайвандловчи
электромонтер
Ойлик маоши 500000 сўм ва ундан юқори

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уй**
**Тел. 227-08-53, 227-08-35**

**"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ**

"Тошкент оқшоми" газетасининг 26.10.2015 йилдаги №216 ҳамда 2015 йил 17 ноябрь №228-сонида чоп этилган эълонлардаги 26.11.2015 йил кунига ҳамда 21.12.2015 йил кунига белгиланган Бекобод шаҳар СИБ томонидан аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари Бекобод шаҳар СИБ 25.11.2015 йилдаги №137-сонли хатига асосан савдодан олинди.

